


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Н. Абдуллажанова

Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир

Жаҳон фани тарихида жуда кўп алломалар ўтган. Улар фаннинг у ёки бу соҳаси ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Айниқса, бу ҳолат Шарқ Ренессанси (IX–XII асрлар) даврида яққол намоён бўлди. Эътиборлиси шундаки, мазкур даврда ижод қилган олимлар фаолияти бир неча фан соҳаларига тааллуқлидир. Ҳатто уларнинг айримлари қомусий билим соҳиблари дея эътироф этилганлар. Ана шундай алломалар сирасига Абу Райҳон Беруний ҳам киритилган.

973–1048 йилларда яшаб ижод қилган Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг илмий меросида фалсафа, тарих, этнография, астрономия, математика, география ва бошқа қатор соҳаларга оид асарлар ўрин олган. Беруний фаолиятини ўрганган таниқли шарқшунос олим И.Ю. Крачковский (1883–1951) ҳақли равишда эътироф этганидек, Беруний қизиққан соҳаларни санашдан кўра қизиқмаган соҳаларни санаш осонроқ [38: 244–262]. Аллома ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар шарқшуносликда берунийшунослик деб аталувчи алоҳида йўналиш вужудга келишига олиб келди.

XX асрнинг 80-йилларига қадар мавжуд адабиётларда ўрта аср Европасида Беруний асарлари ёзилиш услубининг ўзига хослиги ва ўз даврининг илмий тилида тушунилиши қийинлиги туфайли кенг тарқалмаганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд бўлган [44: 115]. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аллома асарлари шарқ олимлари орасида жуда машҳур бўлган, аммо Европада кенг тарқалмаган. Шунга қарамай, Англия қироли Генрих IIIнинг (1207–1272) саройида табиблик қилган П.Альфонс Берунийнинг “Сайдана” ва “Минералогия” асарларини лотин тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилган ва ундан узоқ йиллар унумли фойдаланилган. Кейинчалик, у “ал-Қонун ал-Масъудий” китобининг катта қисмини ҳам таржима қилган. Асар Франциянинг Монпелье шаҳрида қайта-қайта кўчирилган [83: 132]. Демак, ўрта аср Европасида Абу Райҳон Беруний табиб, маъданшунос, астроном сифатида Али Борон номи билан маълум бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Европа фани оламида ҳам алломанинг номи ва асарларининг ўрганилиши жараёни кенгая борди. Бу ўринда немис шарқшуноси Э. Захаунинг (1845–1930) хизматлари беқиёсдир

[85, 91, 92]. Мазкур асрнинг 70-йилларида Э.Захау Абу Райҳон Беруний ижодига мансуб “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” асарларини ўрганди ҳамда уларни нашр эттириб, берунийшуносликда давр янги сифат босқичини бошлаб берган[1]. Э. Захаунинг ушбу нашрлари нафақат Европа, балки Россия, Осиё шарқшунослигида Беруний илмий меросига қизиқишни кучайтирган. Шундан сўнг Россия шарқшунослигида Беруний мероси билан кенг қамровли танишиш жараёни бошланган. Бу борада Россия шарқшунослигининг етакчиларидан бири В.Р. Розеннинг (1849–1908) “Ҳиндистон” асари нашрига ёзилган тақризи катта ўрин тутади [90: 146–162].

ХХ асрга ўтиб эса бу борада кенг кўламли тадқиқот ишлари бошланди. Уларнинг дастлабкилари ғарбий европалик олимлар ва рус шарқшунослари ишларида учрайди [39: 55–73, 40: 580–587]. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ жуда кўп нашрлар дунё юзини кўрди. Ўтган асрда Абу Райҳон Берунийни файласуф, математик ва астроном, маъданшунос, ҳиндшунос, географ ва бошқа кўплаб соҳа билимдони сифатида яратган қатор илмий асарларига оид тадқиқотлар яратилди [89: 281–287, 79, 94: 51–54, 96: 363–365, 68, 46, 59, 75, 88: 87–93, 42, 43: 292–402, 31: 195–220, 63: 163–167, 34, 39: 55–73, 87: 177–195, 28, 50, 51, 93]. Уларнинг тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлили эса аллома фаолиятини ёритувчи тадқиқотларни ўзбек, рус, араб, форс, ҳинд ва Европа тилларида яратилган адабиётлар тарзида таснифлаган ҳолда ҳар бирини алоҳида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ келишини кўрсатди. Ушбу сатрлар муаллифининг номзодлик диссертацияси берунийшуносликда яратилган ўзбек ва рус тилидаги манба ва адабиётларнинг тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлилига бағишланади. Мавзу юзасидан тузилган библиографик кўрсаткич асосида ушбу тиллардаги тадқиқотлар сонининг ўзи 500 дан ортиқ эканлиги маълум бўлди.

Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятига оид рус ва ўзбек тилидаги адабиётларнинг тарихшунослигини хронологик ҳамда тадқиқотларнинг кўлами ва методологик ёндашуви жиҳатидан шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) 1950 йилгача яратилган ишлар;

б) 1951–1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар;

[1] Ўша даврда Э. Захау томонидан Беруний “Хронология”си асосида нашр этган рисоласи машҳур ва оммалашган эди. 1888 йилда Э. Захау Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган. У 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг III Халқаро конгрессида иштирок этиб, Беруний ҳақида тўлиқ маълумот берган ҳамда яқиндагина нашрдан чиққан алломанинг хронологияга оид асари арабча матнини барчанинг эътиборига ҳавола этган [44: 115].

в) 1991 йилдан ҳозирга қадар амалга оширилган илмий изланишлар.

XX асрнинг биринчи ярмидаги берунийшуносликка оид адабиётлар 1948 йилда аллома вафотининг 900 йиллигига бағишланган юбилей муносабати билан сон ва сифат жиҳатдан ортди. Мазкур сана нафақат собиқ Иттифоқ, балки жаҳон миқёсида кенг нишонланган. Унга қадар мавжуд адабиётларда Беруний асарларига мурожаат қилиш, фойдаланиш ва иқтибослар келтириш жараёни кўзга ташланади [69, 77, 76]. Шунга қарамай, А.А.Семеновнинг "Ал-Беруни – величайший ученый средневековья Востока и Запада" ("Ал-Беруни – Шарқ ва Ғарбнинг буюк ўрта аср олими"), И.Ю. Крачковскийнинг "Аль-Бируни и географы XI века на Востоке" ("Ал-Беруни ва Шарқнинг XI аср географлари"), Т.И. Райновнинг "Великие ученые Узбекистана (IX–XI вв.)" ("Ўзбекистоннинг буюк олимлари (IX–XI асрлар)") номли тадқиқотлари Беруний фаолиятига оид тадқиқотлар кўлами кенгая борганлигидан дарак беради [70, 38, 56].

Юбилей муносабати билан "Беруний – ўрта асрнинг буюк олими", "Бируни – великий узбекский ученый средневековья", "Бируни", хорижда эса "Al-Biruni. Commemoration Volume" ("Ал-Бируни. Юбилей тўплами") каби тўпламлар дунё юзини кўрди [28, 27, 26, 84,]. Бироқ Беруний даҳосининг ўрганилиш жараёни ўша даврда барча соҳаларни қамраб олган мафкуралаштириш сиёсатидан четда қолгани йўқ. Аллома юбилейи мазкур даврда эълон қилинган "буржуа космополитизм"ига қарши кураш шиори билан ўтказилди ва мафкуравий қурол вазифасини бажарди, деса бўлади [41]. Барча тадқиқотларда алломалар фаолиятига совет концепцияси асосида баҳо берилган. Ҳаттоки, Абу Райҳон Беруний даврини тадқиқ қилган археолог
В.М. Массон мақоласи ҳам бундан ҳоли бўлмаган [45]. Хусусан, у шундай деб ёзган: "Тарихга антипатриотча космополитик нуқтаи назар билан ёндашувчи фальсификаторлар Берунийни схоластик мавҳумлаштирилган планда кўриб чиқишга ҳаракат қилиб, ўзбек халқини маданий меросдан маҳрум қилишга уринганлар. Беруний меросини материалистик нуқтаи назардан баҳолаш бирламчи манбаларга асосланган улкан меҳнат талаб қилади. Беруний асарларини материализм ва идеализм курашган кесишмада кўриб чиқилиши лозим, унинг даври синфий кураш тушунчаси чуқурлашган даврдир, бунда кураш умумий жиҳатларини кўрсатса-да, мафкура соҳасида ҳали у даражада ўзини кўрсатмаган эди" [45: 69]. В.М. Массон ўз мақоласида Хоразмнинг ўша давр тарихини яхши ёритган, аммо совет мафкураси ниқобидаги фикрлар аллома фаолиятининг бирёқлама ўрганилишига олиб келди. 1950 йилнинг январь ойида Ўзбекистонда Абу Райҳон Беруний

вафотининг 900 йиллиги кенг нишонланди. Бироқ тадқиқотларда юқоридаги талқин хос тарзда ўз ифодасини топди [2].

1950–1991 йиллар оралиғидаги берунийшуносликка оид адабиётлар таҳлили мазмунан икки йўналишда ривожланганини кўрсатмоқда:

– Абу Райҳон Берунийнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги илмий меросига оид тадқиқотлар;

– Берунийнинг ижтимоий-гуманитар соҳадаги фаолиятини ёритувчи адабиётлар.

Шу ўринда қайд этиш керакки, аллома ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг А. Арендс (1893–1977), У. Каримов (1920–1997), П. Булгаков (1927–1993), А. Ирисов, А. Аҳмедов, Б. Абдуҳалимов, С. Каримова каби бир қатор олимларининг хизматлари беқиёс бўлиб, улар яратган тадқиқотлар ҳар икки йўналишга ҳам тааллуқлидир [1, 3]. Чунончи, Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан алломанинг танланган асарлари етти жилдда, ўзбек ва рус тилларида нашр этилиши институт олимлари илмий изланишлари самарасини кўрсатади [7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 17, 18, 19]. 2006 йилда алломанинг “Тафҳим” (“Мунажжимлик санъати (астрология)”) негизларини тушунтириш китоби [20], 2019 йилда “Тангланган асарлар”нинг саккизинчи жилди (“Ҳаракатланиш йўли, “зижлар ёғдуси”, “Хариташунослик”) институтнинг етакчи илмий ходими А.Аҳмедов томонидан таржима қилиниб, нашр эттирилди [21]. Бугунги кунда институт олимлари Беруний асарлари таржимаси ва тадқиқотлар борасидаги фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Абу Райҳон Берунийнинг энциклопедист олим, кўплаб тиллар билимдони бўлганлиги унинг ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотларда ҳам давом этишига сабаб бўлди. Зотан, унинг асарларини таржима қилган олимлар бир неча фан соҳасига оид билим эгалари бўлса, баъзи асарлари бир қанча соҳа олимларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Шу билан бирга, Беруний илмий меросининг жаҳон миқёсидаги тадқиқоти халқаро илмий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Ўтган йили Афғонистоннинг Қобул шаҳрида ўтказилган халқаро конференция ёки Бангладеш давлатининг Дакка университетида Абу Райҳон Беруний фонди фаолият кўрсатаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. Веб сайти www.arbfbd.org бўлган ушбу фонднинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили Шарқ алломаларининг илмий меросини ўрганиш, шу қаторда, Беруний фаолиятини тадқиқ этишга оид самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, алломанинг аниқ ва табиий фанлар соҳасининг ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этишда А. Абдураҳманов [5, 6: 115–120], А.М. Беленицкий [23: 25–31, 24: 59–66], Г. Жалолов [29: 462–471, 30: 63–94,

31: 195–220], Ф.Зикриллаев [32, 33: 89–91], О.И. Исломов [35: 45–46, 36], Г.П. Матвиевская [46, 48: 83–120, 47, 49: 173–185], Қ. Норхўжаев [54: 145–158, 55, 52, 53: 16–19], М.М. Рожанская [57: 110–114, 58: 14–21, 59, 60: 39–41], Б.А. Розенфельд [61: 421–430, 64: 88–91, 63: 163–167, 62: 473, 67: 93–142, 65: 85–89, 66: 71–92], С. Сирожиддинов [74, 72: 50–64, 71, 73] каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий-гуманитар фанларга оид тадқиқотлар кўлами ҳам жуда кенг бўлиб, улар орасида “Беруний ва ижтимоий фанлар” тўплами бу соҳадаги тадқиқотларни умумлаштирди [25]. Берунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ёритувчи тадқиқотларда эса марксистик-ленинистик ёндашув, материалистик нуқтаи назар устуворликка эга бўлганлигини кўриш мумкин. Мисол тарзида А.Шарипов тадқиқотларини келтириш мумкин [79, 78, 81: 90–99, 80: 36–43]. Шунга қарамай, бу тадқиқотлар берунийшунослик соҳасида муайян илмий қийматга эга бўлиб, алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби алломалар илмий меросига муносабат ҳам ўзгарди. Лекин Беруний меросига доир тадқиқотлар кўлами аввалги босқичдагига нисбатан кенгайгани йўқ. Улар кўпинча умумий маълумотлар, асарлардан парчалар, у ёки бу соҳага оид маълумотлар, қисман илмий тадқиқот кўринишида амалга оширилмоқда. Гарчи ҳар йили 4 сентябрь – аллома таваллуд куни муносабати билан турли конференциялар, семинарлар ўтказилаётган, Беруний “Тафҳим”и ва “Минералогия”сининг нашр этилган бўлса-да, назаримизда берунийшунослик ривожи учун яна қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва шу йўл билан тадқиқотлар салмоғини орттириш;

– Берунийнинг мавжуд асарларини ўзбек тилига, сўнгра жаҳон тилларига таржима қилиш, ҳали тадқиқ этилмаган асарларини топиш ва ўрганиш;

– Аллома илмий меросидан барча соҳалар, айниқса, таълим соҳасида унумли фойдаланиш [4];

– Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишда янгича методологик ёндашувларни қўллаш;

– Берунийшунослик соҳасидаги тадқиқотлар таҳлилини мунтазам равишда олиб бориш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси ҳали яна кўплаб янги тадқиқотларга мавзу бўлади, берунийшунослар олдига янгидан-янги маълумот ва масалаларни қўяди. Аллома фаолияти бугунги тилда мультидисциплинар деб номланган

турли фан соҳасига оид бўлгани учун ҳам унинг асарларини аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар йўналиши мутахассисларининг ўзаро ҳамкорликда тадқиқ этишларини тақозо этмоқда. Бу эса Беруний илмий мероси талқинига янада кенгроқ имконият яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллажанова Н. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда Ўз РФА Шарқшунослик институти олимларининг хизматлари хусусида / Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшуносларнинг илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2008. Б. 27–29.
2. Абдуллажанова Н. Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолияти тарихшунослигига доир (1948–1950 йиллар) / Ўзбекистон тарихи журнали. 2013. № 4. Б. 55–66.
3. Абдуллажанова Н. О вкладе П. Г. Булгакова в изучение жизни и деятельности Абу Райхана Беруни / Аспирант, *или молодое поколение ученых о…* Научно-практический альманах аспирантского сообщества. Вып. VIII. Оренбург, 2013. С. 153–159.
4. Абдуллажанова Н. Таълим жараёнида алломалар илмий меросидан фойдаланишнинг самараси ҳақида айрим мулоҳазалар (Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси мисолида) / Ёш олим ва талабаларнинг XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий илмий-амалий конференция материаллар тўплами. Наманган, 2016. Б. 37–41.
5. Абдурахманов А. Математика в астрономических трудах Беруни / Автореф.. канд. дисс. Ташкент, 1970.
6. Абдурахманов А. Трактат ал-Бируни “Исчерпание различных способов в искусстве астролябии” / Труды XIII научной конференции аспирантов и младших научных сотрудников Института истории естествознания и техники АН СССР. Секция истории математики и техники. Москва, 1970. С. 115–120.
7. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. I. Памятники минувших поколений / Исслед., перев. и прим. М.А. Салье. Ташкент, 1957.
8. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения Т. II. Индия / Перев. А. Б. Халидова, Ю.Н. Завадовского. Комм. В.Г. Эрмана, А. Б.Халидова. Ташкент, 1963.
9. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Определение и границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами [Геодезия] / Исслед. перев. и прим. П. Г. Булгакова. Т. III. Ташкент, 1966.

10. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-Сайдана фи-т-тиб) / Исслед. перев. и прим. У. Каримова. Т. IV. Ташкент, 1974.
11. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Часть I. Книги I–V / Исслед. перев. и прим. П.Булгакова, Б.Розенфельда. Т. V. Ташкент, 1973.
12. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Часть II. Книги VI–XI / Исслед. перев. и прим. Б.Розенфельда, А.Ахмедова Т. V. Ташкент, 1976.
13. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Книга вразумления начаткам науки о звездах / Исслед. перев. и прим. Б.А.Розенфельда и А.Ахмедова. Т. VI. Ташкент, 1975.
14. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Математические и астрономические трактаты / Исслед. перев. и прим. П.Булгакова, Б.Розенфельда. Т. VII. Ташкент, 1987.
15. Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Перев. А.М. Беленицкого. Ленинград, 1963.
16. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Араб тилидан таржима А. Расуловники. Изоҳлар И. Абдуллаев, А. Расуловники. Т. I. Ташкент, 1968.
17. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон / Араб тилидан таржима А.Расулов, Ю.Ҳакимжонов, Ғ.Жалоловники. Т.II. Тошкент, 1965.
18. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (Геодезия) / Араб тилидан таржима А.Аҳмедовники. Т.III. Тошкент, 1982.
19. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қонуни Масъудий. 2-китоб / Араб тилидан таржима А.Расуловники. Т. V. VI–XI мақолалар. Тошкент, 1976.
20. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Тафҳим (Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби / Араб тилидан таржима А.Аҳмедовники. Т.VI. Тошкент-Урганч-Хива, 2006.
21. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. “Ҳаракатланиш йўли”, “Зижлар ёғдуси”, “Хариташунослик”/ Араб тилидан таржима А.Аҳмедовники. Т. VIII. Тошкент, 2019.
22. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида бидимлар. Таржимон А.Қаюмов. Тошкент, 2017.

23. Беленицкий А.М. Бадахшанский лал / Труды АН Таджикская ССР. Т. XVII. Сталинабад, 1953. С. 25–31.
24. Беленицкий А.М. Об исследовании Беруни удельных весов металлов / Краткое сообщение Института народов Азии АН СССР. Литературоведение и изучение памятников. Москва, 1961. С. 59–66.
25. Беруни и гуманитарные науки. Сборник статей / Под ред. И.М. Муминова. Ташкент, 1972.
26. Бируни (Великий узбекский ученый средневековья. К 900 – летию со дня смерти). Сборник статей. Под ред. С.П. Толстова. Москва–Ленинград, 1950.
27. Бируни – великий узбекский ученый средневековья. Сборник статей / Под ред. В. Ю. Захидова и др. Ташкент, 1950.
28. Бируний – ўрта асрнинг буюк олими. (Бируний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами) / В.Ю.Зоҳидов таҳрири остида. Тошкент, 1950.
29. Джалалов Г. Д. Астрономические вопросы в книге Бируни «История Индии» / Вопросы истории физико-математических наук. Москва, 1963. С. 462–471.
30. Джалалов Г. Д. Бируни и астрономическая наука // Бируни – великий узбекский ученый средневековья. Сборник статей / Под ред. В.Ю.Захидова и др. Ташкент 1950. С. 63–94.
31. Джалалов Г.Д. Индийская астрономия в книге Бируни “Индия” / Историко-математические исследования. Вып. VII. Москва, 1962. С. 195–220.
32. Зикриллаев Ф. Берунийнинг физика соҳасидаги ишлари. Ташкент, 1973.
33. Зикриллаев Ф. Элементы физики «Переписке» Бируни с Ибн Синой / Известия АН Уз ССР, Серия физико-математических наук. 1958. №1. С. 89–91.
34. Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. Тошкент, 1963.
35. Исламов О.И. Зарождение геологических знаний в Средней Азии / В кн.: Очерки по истории геологического изучения Средней Азии. Ташкент, 1956. С. 45–46.
36. Исламов О. И. Зарождение и развитие геологических знаний в Средней Азии с древнейших времен до начала XIX столетия / Автореф. ... на канд дисс. Москва, 1961.
37. Исламов О.И. Зарождение геологических знаний в Средней Азии. В кн.: Очерки по истории геологического изучения Средней Азии. Ташкент, 1956. С. 45–46.
38. Крачковский И.Ю. Аль-Бируни и географы XI века на Востоке. Избранные сочинения. Т. IV. Москва, 1957. С. 244–262.

39. Крачковский И.Ю. Бируни и его роль в истории восточной геграфии // Бируни / Сборник статей. Москва–Ленинград. 1950. С. 55–73.
40. Крачковский И.Ю. Гомер и ал-Бируни. Избранные сочинения. Т. II. Москва– Ленинград, 1956. С. 580–587.
41. Крупнейший ученый средневековья. Сессия посвещенная Бируни / Вестник. Москва, 1949. №4. С. 58–62.
42. Леммлейн Г.Г. Минералогические сведения Бируни. Москва–Ленинград, 1950.
43. Леммлейн Г.Г. Минералогические сведения, сообщаемого в трактате Бируни. В книге «Минералогия». Москва–Ленинград, 1963. С. 292–402.
44. Лунин Б.В. Жизнь и труды Абу Райхана Беруни в дореволюционной и советской науке // Общественные науки в Узбекистане. 1973. №7–8. С.115–130.
45. Массон В.М. К характеристике Хорезма времени Бируни / Сборник студенческих работ САГУ. Вып. I. Ташкент, 1949. С. 69–79.
46. Матвиевская Г.П. Беруний ва табиий фанлар. Тошкент, 1963.
47. Матвиевская Г.П. Из истории физико-математических наук на Средневековом Востоке: Трактаты ал-Хазини, ал-Бируни, ибн ал-Хусайна, аш-Ширази. Москва, 1983.
48. Матвиевская Г.П. К истории математики Средней Азии IX–XV веков. Ташкент, 1962.
49. Матвиевская Г.П. Из ранний истории изучения математического и асрономического наследия Беруни // Беруни. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения / Отв. ред. А.К.Арендс. Ташкент, 1973. С. 173–185.
50. Муминов И. М. Великий энциклопедист из Хорезма. Москва, 1974.
51. Мўминов И.М. Хоразмлик буюк энциклопедист олим. Тошкент, 1973.
52. Нарходжаев К.Н. Геодезические работы Беруни // Общественные науки в Узбекистане. 1973. № –8. С. 91–96.
53. Нарходжаев К.Н. Геодезические работы Беруни. Ташкент, 1977.
54. Норхўжаев К. Жаҳон геодезиясининг асосчиси // Фан ва турмуш. 1972. №3. Б. 16–19.
55. Норхўжаев Қ. Беруний ва унинг геодезия фанига доир ишлари. Тошкент, 1973.
56. Райнов Т.И. Великие ученые Узбекистана (IX–XI вв.). Ташкент, 1943.
57. Рожанская М.М. Методы исследования общих свойств функций в “Каноне Мас‘уда» ал-Бируни / Вестник каракалпакского филиала АН УзССР. 1967. №1. С. 110–114.
58. Рожанская М.М. О функциональных зависимостях в “Каноне Мас‘уда” ал-Бируни / Вестник каракалпакского филиала АН УзССР. 1966. №4. 103 С. 14–21.

59. Рожанская М.М. Функциональные зависимости у ал-Бируни / Автореф. дисс. ... канд. физика-математических наук. Москва, 1967.
60. Рожанская М.М., Столярова Т.Д. Статика и кинематика на средневековом Востоке (о работах Беруни и др.) / В кн.: История средневековой науки и техники. XIII Международный конгресс по истории науки и техники. Секция 4. 1971. С. 39–41.
61. Розенфельд Б.А. Попытка квадратичного интерполирования у Абу Райхана ал Беруни / В кн.: Историко-математические исследование. Вып. XII. 1959. С. 421–430.
62. Розенфельд Б.А. Письмо в редакцию / В кн.: Историко-математические исследования. Вып. XV. Москва, 1963. С. 473.
63. Розенфельд Б.А. Примечания к «Книге об индийских рашиках» / Из истории науки и техники в странах Востока. Вып. III. Москва, 1963. С. 163–167.
64. Розенфельд Б.А. Роль Беруни в расширении понятие о числе // Общественные науки в Узбекистане. 1973. №7–8. С. 88–91.
65. Розенфельд Б.А., Абдурахманов А. Трактаты Беруни об астролябиях // Беруни. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения. Ответ. ред. А. К. Арендс. Ташкент, 1973. С. 85–89.
66. Розенфельд Б.А., Краснова С.А., Рожанская М.М. О математических работах Абу-р-Райхана ал-Бируни // Из истории науки итехники в странах Востока. Москва, 1963. Вып. III. С. 71–92.
67. Розенфельд Б.А., Краснова С.А. Примечания к “Трактату об определении хорд” / Из истории науки и техники в странах Востока. Вып. III. Москва, 1963. С. 93–142.
68. Садыков Х.У. Бируни и его работы по астрономии и математической географии. Москва, 1953.
69. Самойлович К.К вопросу о двенадцатилетнем животном цикле у турецких народов (Вопросы, источники, варианты, названия годов, легенды о происхождении, приметы) / Восточные записки. Т. I. Ленинград, 1927. С. 147–162.
70. Семенов А.А. Ал-Беруни – величайший ученый средневековья Востока и Запада / Литература и искуство Узбекистана. Книга I. Ташкент, 1938. С. 106–116.
71. Сираждинов С.Х. и др. Математика и астрономия у Беруни. Ташкент, 1973.
72. Сираждинов С.Х., Ахмедов А. Некоторые вопросы математики и астрономии в «Каноне Мас‘уда» // Общественные науки в Узбекистане. №7–8. С. 50–64.

73. Сираждинов С.Х., Матвиевская Г.П. Абу Райхан Беруни и его математические труды. Пособие для учащихся. Москва, 1978.
74. Сирожиддинов С. Абу Райҳон Беруний асарларида математика ва астрономия. Москва, 1973.
75. Сирожиддинов С.Ҳ. Ал-Беруний асарларида математика ва астрономия. Ташкент, 1973.
76. Фрейман А.А. Датированные согдийские документы с горы Муг в Таджикистане / Труды Института востоковедения АН СССР. XVII. 1936. С. 137–165.
77. Фрейман А.А. Согдийский рукописный документ астрономического содержания (календарь) / Вестник древней истории. 1938. №2(3). С. 33–49.
78. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Ташкент, 1972.
79. Шарипов А.Д. Естественно-научные и философские воззрения Бируни / Автореф. дисс. ... кандидат филос. н. Ташкент, 1966.
80. Шарипов А.Д. К критике буржуазных концепций мировоззрениях Бируни // Общественные науки в Узбекистане. 1965. №8. С. 36–43.
81. Шарипов А.Д. К оценке философских воззрений Беруни // Беруни. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения / Ответ. ред. А.К.Арендс. Ташкент, 1973. С. 90–99.
82. Шарипов А.О некоторых материалистических тенденциях философских воззрений Бируни / Вопросы философии. Ташкент, 1965. С.112–121.
83. Штроммайер Г. Ғарб дунёси билмаган даҳо // Жаҳон адабиёти. 2007. №3. Б. 131–137.
84. Al-Biruni. India / Edited Arabic original by E. Sachau.Vol. I–II. London, 1888.
85. Al-Biruni Commemoration Volume. Calcutta, 1951.
86. Kramers J.H. Al-Biruni's Determination of the geographical Longitude by measuring of the distances / Al-Biruni Commomoration Volume. Calcutta, 1951. P. 177–195.
87. Krenkow F. The chapter of pearls in the book on precious stones by Al-Beruni / Islamic Culture. XV. 1941. XVI. 1942. P. 87–93.
88. Pope A.U. Alberuni as a thinker / Al-Beruni Commemoration Volume. Calcutta, 1951. P. 281–287.
89. Rozen V.R. Alberuni's India // An account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy customs, Laws and astrology of India about A.D.1030. Edited in the Arabic original by Dr. Edward Sachau. London. 1887 / Записки восточного отделения императорского русского археологического общества. Т. III. Санкт–Петербург, 1889. С. 146–162.
90. Sachau E. Algebraiches über schach bei Biruni, Leitschrift d-Deut. Morgenländ, Gesellchaft, Bd 29, 1876.

91. Sachau E. Zur Geschichte und Chronologie von Kwarizm, Sitzungsberichte der Weiner Asad. D. Wiss., Philos-Hist. Klasse, Bd. 73. 1873.
92. Saiyid H. Barani. Al-Biruni. His life and works. Aligarh. 1927.
93. Schoy C. Aus der astrinomischen Geographier der Araber Originalstudien aus Al-Qanun al-Mas'udi. Isis. V. 1923. P. 51–54.
94. Biruni. The chronology of ancient nations / Translated and edited by E. Sachau. London, 1879.
95. Ziyauddin Ahmad. Al-Biruni's recearches in trigonometry as given in the third book of Qanun Mas'udi / Islamic culture. Vol. VI. №3. 1932. P. 363–365.

Н. Абдуллажанова

Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир

Мақола Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятининг тарихшунослик нуқтаи назаридан қисқача таҳлилига бағишланган. Таҳлилга асос қилиб рус ва ўзбек тилларидаги манба ва адабиётлар олинган. Мақола сўнггида муаллиф берунийшунослик ривожи учун амалга оширилиши керак бўлган умумий вазифаларни келтирган.

Калит сўзлар. *Абу Райҳон Беруний, тарихшунослик, шарқшунослик, берунийшунослик, адабиётлар, манбалар, тадқиқот, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, методология.*

Н. Абдуллажанова

Об историографии научного наследия Абу Райхана Беруни

Статья посвящена краткому историографическому анализу жизни и трудов Абу Райхана Беруни. Объектом анализа послужили источники и литературы на русском и узбекском языках. В заключение автор ставит общие задачи для развития беруниеведения.

Ключевые слова. *Абу Райхан Беруни, историография, востоковедение, беруниеведение, литература, источники, исследование, Институт востоковедения АН РУз, методология.*

N. Abdullajanova

Historiography of Abu Rayhan Biruni's scholarly legacy

This paper provides a brief historical analysis of the life and activities of Abu Rayhan Biruni based on secondary sources in Russian and Uzbek. The author also discusses the development of the study of Biruni's scholarly legacy.

Keywords. *Abu Rayhan Biruni, historiography, Oriental Studies, Biruni legacy, literatures, sources, Institute of Oriental Studies, methodology.*

Ф. Ёқубов

Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тарихда яшаб ўтган, бизгача улкан маданий, маънавий мерос қолдирган қомусий олимларимиз, шоирларимиз ва илм фан ривожига ўз ҳиссаларини қўшган барча намояндаларимизнинг илмий ижодий фаолиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Тарихдан маълумки, кўплаб олиму донишмандларимиз илм олиш мақсадида, турли мамлакатларга сафарлар уюштириб, янгидан-янги илмий кашфиётлар билан бевосита яқиндан танишган ҳолда салоҳиятларини янада мустаҳкамлаб, ошириб борганлар. Шу билан бирга, улар ўзга шаҳар ва мамлакатларда нафақат илм билан шуғулландилар, балки давлат ишларида ҳам хизмат қилиб, машҳур сиёсий арбоб сифатида тарихда қолдилар. Фикримизнинг исботи тариқасида, дунёга машҳур бўлган Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби ўрта асрнинг буюк алломалари, донишмандларини келтиришимиз мумкин. Бу каби олимларни ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганиш, тарихий фаолиятларини холислик тамойиллари асосида тиклаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Абу Райҳон Беруний 973 йилда Хоразмнинг қадимги Кот шаҳрида туғилиб ижод қилган қомусий олим саналади. У астрономия, география, диншунослик, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган ва улар асосида кўплаб илмий асарлар яратган.

Абу Райҳон Беруний ёшлигидан бошлаб илм олишга қизиқиши жуда баланд бўлган. Тарихдан маълумки, қадимдан Хоразмда турли фанлар ривожланган, ўз даврида бир неча илмий марказлар фаолият кўрсатган. Натижада, дунёнинг турли минтақаларидан кўплаб илмга чанқоқ кишилар Хоразмга интеллектуал миграция иштирокчиси сифатида ташриф буюрганлар ва бу илмий тажриба алмашинувга хизмат қилган. Масалан, Беруний ўзининг ёшлиги ҳақида хотирлар экан: "Мен бир Юнонистондан